



АГЕНТЛИК ШАРТНОМАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Холтўраев Ғойбназар Чори ўғли

Тошкент давлат юридик университети магистратура босқичи талабаси

Tel: +998 88 183 17 77 goibnazaragenya@gmail.com

Жамиятимиз орасида спорт билан шуғулланмайдиган инсонлар кам бўлиши мумкин, лекин спорт мусобақалари ва спортчилар, шунингдек уларнинг шахсий хаёти ва агентлари тўғрисида кузатиб борадиган инсонлар анчагина топилади. Кузатувчиларнинг кўп бўлиши аввало интернет жаҳон ахборот тизими билан боғлиқлигидир.

Спорт агентлик шартномалари тўғрисида умумий таҳлилдан олдин, спорт агентлик фаолияти нима улар қандай ишлайди ёки улар ўзи нима учун керак деган долзарб мавзуларга қисқача жавоб бериб ўтиш лозим .

Агент бу- жисмоний ва юридик шахслар номидан ҳаракат қиласиган маҳсус вазифаларни бажаришга ихтисослашган вакил. Ушбу вакил жисмоний шахс сифатида ҳам юридик шахс ташкил этган ҳолда ҳам фаолият юритиши мумкин.На Ўзбекистон қонунчилигига на бошқа давлатлар қонунчилигига агентларнинг фаолият шакли ва ташкилий тузилиш шаклига чекловлар мавжуд эмас(бундан ҳарбийлаштирилган агентлар мустасно).

Спорт агентлик шартномаларининг вужудга келиши агентларнинг вужудга келиши билан бевосита боғлиқдир.Аксарият ҳолатларда спорт агентлик фаолияти 1960-йилда юзага келган дейишларига қарамай, бу фаолият

“Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида спорт бўйича агентга таъриф берилган бўлиб, унга кўра спорт бўйича агент-спортчи номидан ва унинг манфаатлари учун шартнома асосида фаолият кўрсатадиган, тузилган шартномалар шартларига ва спортчининг ҳуқуқларига риоя этилишини кузатиб борадиган шахс ҳисобланади.[1,3-модда]

Агентларни қисқа ва содда тилда вакил деб оладиган бўлсак миллий қонунчилигимизда вакилларга қандай таъриф берилган, улар қандай асосда ва шартларда фаолият юритишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мувофиқ, вакиллик 4 хил асосга кўра амалга оширилиши мумкин:

- ишончномага
- қонунга,
- суд қарорига
- вакил қилинган давлат органининг ҳужжатига асосан”²¹

Юқоридаги нормалардан келиб чиқиб спорт чоҳасида агентлар ҳар тўртала ҳолатда ҳам вакиллик қилиш имкониятига эга.

²¹ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси.129-модда




Хозиргача қонунчилигимизда нафақат спорт агентлари балки жамиятда умумий агнетликлар фаолиятини тартибга соладиган нормалар ишлаб чиқилмаган. Лекин Фуқаролик кодекси ва бошқа номалар асосида қонунчиллик аналогиясига асосан тартибга солиш ҳолатларини кўришимиз мумкин, шунингдек воситачилик шартномалари ушбу давргача агентик фаолиятига оид соҳаларда кенг қўлланилиб келмоқда.

Биламизки агентлик фаолияти жуда кенг соҳа ва ушбу соҳани тартибга солиш алоҳида этибор ва ёндашувни талаб қиласди.

Агентлик шартномаларинининг хуқуқий истоқболлари яъни улар келажакда қандай кўринишда бўлишини таҳлил қилишдан олдин, ушбу шартномалар кимлар ўртасида тузилишини таҳлил қилиб чиқишимиз лозим.

Спорт агентлик шартномалрининг томонлари қўйидагича бўлиши мумкин. Мумкин деган сўзимизнининг маъноси шуни англатадики, миллий қонунчилигимизда шартнома эркинлиги принсипига асосан бошқа юридик ва жисмоний шахслар ҳам томонлардан бири бўлиши мумкин. Яъни Ўзбекистонда тузиладиган агентлик шартномалари албатта миллий қонунчиллик доирасида тузилиши тўғрисида қоидага амал қилинган ҳолда тузиладиган бўлса мақсадга мувофиқ бўлади. Спорт соҳасида агентлик шартномалари тўғрисида очиқчасига гапирадиган бўлсак, бизнинг мамлакатимизда ёпиқ шартномалар сирасига киритиш мумкин. Бу шартнома тавсилотлари тўғрисида деярли ҳеч ким ҳеч каерда маълум қилмайди. Ушбу ҳолат аслида биз учун салбий ҳолатдан бошқа нарса эмас.



Спорт агентлари нафақат спортчи манбаатларини ҳимоя қилиши, балки тренер ва профессионал спорт клуба манбаатларини манбаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳаракат қилиш мумкин. Афсуски бу амалиёт бизнинг мамлакатимизда секин



ишиламоқда, ривожланган мамлакатларда эса бу фаолият алоҳида иқтисодиётнинг соҳаси даражасигача кўтарилиган.

Юқорида айтилганидек, спорт агентлари юридик шахс ташкил этган ҳолда ҳам ташкил этмасдан туриб ҳам ўз фаолиятларини амалга оширишлари мумкин асос сифатида миллий қонунчилигимизда бунга ҳеч қандай чеклов мавжуд эмас ва бу ҳукуқ тизимимизда қонунчиликда таъкиқланмаган ҳар қандай нарса мумкин деган принципга асосланади.

Спорта агентлик шартномалари бўйича миллий қонунчилик таҳлили. Агентлик шартномалари миллий ҳукуқ тизимимизда тартибига солинмаганлиги туфайли, қонун аналогияси сифатида воситачилик шартномалрига ҳавола қилиб келинмоқда.

Лекин Ўзбекистон Республикасининг муҳокамага қўйилган янги Фуқаролик кодексида агентлик шартномалари тўғрисида алоҳида боб мавжуд. Катта эҳтиомл ушбу боб келажакда маъқулланадиган бўлса, агентлик шартномалари ушбу агентлик шартномалари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжати асосида фаолият олиб боради.

Спорт агентлик шартномаларида ҳам бошқа шартномаларда ҳам шартнома эркинлиги асосида хоҳлаган шаклда ва мазмунда тузиш имконияти мавжуд, шунингдек қонунчилик ва ахлоқ нормаларига зид бўлмаган тақдирда.

Спорт агентлик шартномалари одатдаги шартномаларидан деярли фарқ қилмайди. Шунингдек профессионал ҳам ҳаваскор бўлган спортчилар билан ҳам спорт агентлик шартномалари тузилиши мумкин. Баъзи ҳолларда спортчилар турли комиссия ва хизмат ҳақлари тўлашни истамайдилар ва ўзлари шартномалар тузишга клублари билан музокара ўтказишга ҳаракат қилинади. Лекин бу самарали усул эмас. Спортчи учун унинг аолияти профессионалдир ва у фақатгина спорт билан шуғулланиши лозим. Бошқа масалалар турли шартномалар тузиш, янги клубга кўчиб ўтиш, реклама шартномаларини ва ҳомийлик битимларини тузиш бу спортчи учун ортиқча вақт ва этиборни чалғитишдан бошқа ҳеч нарса эмас. Келинг ушбу ишларни бажаришни профессионал агентларга топширганимиз маъқул. Гарчи спорт агентлик шартномалари шартноманинг умумий тамойилларига тайangan ҳолда тузилсада аслида ушбу шартнома шахсий хусусиятлари билан ажрилиб туради.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган шахслар ҳам фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам спорт агенти сифатида фаолият юритишлари мумкин.

Спорт соҳасида агентлик шартномалри эркин бўлиши ҳамда ҳеч қаерда рўйхатдан ўтказилмаслиги лозим. Агарда миллий қонунчилигимизда спорт агентлик шартномалари қайсиdir ташкилотдан рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қонунчиликка ўзгаришишлар киритилиши ёки шундай тартиб белгиланиши бюрократик тўсиқларни яна бир бор кўпайтиради десак тўғри бўлади.

Спорта агентлик шартномаларининг халқаро таснифи. Халқаро даражада спорт агентлик шартномалари уч асосий турга бўлиниши мумкин:

1. Профессионал агентлик шартномалари(баъзан стандарт спорт шартномали деб ҳам юритилади)



2. endorsement шартномалари(ноодатий шартномалар)-ушбу шартномалар ҳомийлик шартномалари, турли хилдаги реклама шартномалрини ўз ичита олади.

3. Appearance шартномалари-ушбу шартномалар кўпроқ профессионал спортчининг имидж ва бошқа ташқи кўриниши билан боғлиқ ҳуқуқларини ҳимоя қилиниши юзасидан тузилади.

Профессионал спорт шартномалрини ривожланган давлатда профессионал агентлар тузади ва уларнинг катта қисмини юритлар ,маркетологлар ва бошқа касб эгалариташкил этади.Дунёга машҳур агентлик шартномлари орасида жуда ажойиб шартларда тузилганлари шунингдек энг аҳмоқоналариниям кўришимиз мумкин.Масалан Аргентиналик профессионал футболчи Мауро Икарди ҳамда унинг агенти, бир пайтнинг ўзида турмуш ўртоғи ўртасидаги шартномани шундай шартномалар дейиш мумкин.Яъни футболчи бутун мол-мулкини бошқаришни ва эгалик қилишни агентига топширган ва ўзининг номида ҳеч нарса мавжуд эма.Ҳаттоқи айни пайтда ишлаб топаётган маоши ҳам агентига тегишли.

Келажакда агентлик шартномаларининг спорт агенти ва спортчи шунингдек бошқа субъектлар ўртасида тузилишида қуйидаги истиқболлар кутилмоқда:

Биринчидан, профессионал спортчиларнинг кўпайиши натижасида ҳамда профессионал спортчиларнинг халқаро даражага қўтарилиши натижасида спорт агентига нисбатан талаб ортмокда, бу эса спорт агентлик шартномаларининг кўпайишига замин яратади.

Иккинчидан, спортчилар ва профессионал клублар бир бирлари ўртасидаги муносабатларга алоҳида этибор беришни бошлашмоқда. Кейинчалик юзага келиши эҳтимоли бўлган низоларни олдиндан шартномаларда акс эттиришга уриниш ҳолатлари кучаймоқда.Ушбу шартномаларнинг тузилишида агентлар муҳим рол ўйнайди.

Учинчидан, Спорт соҳаси субъектлари спорт агентларидан фойдаланишда Европа ва Шимолий Америка давлатлари тажрибасида кенг қўлланилган агентлардан фойдаланиш энг самарали восита эканлигини ва спорт соҳасини ривожалантиришда устувор йўналиш эканлигини англаб етмоқда.Бу эса спорт себъектлари ва спортуагентлари ўртасидаги муносабатларнинг профессионал даражада тартибга солинишини тақозо этади.

ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. O‘zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi. (birinchi qismi). 01.03.1997. (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 21.04.2022 y., 03/22/765/0332-son).
<https://lex.uz/docs/>

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasida futbolni rivojlantirishni mutlaqo yang bosqichga olib chiqish chora tadbirlari to’g’risida”gi PF-5887-sonli Farmon



3. O‘zbekiston Respublikasining “Xo‘jalik brituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-xuquqiy bazasi to‘g‘risida”gi Qonuni. 29.08.1998. 670-L-son. (Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 21.04.2021-y., 03/21/683/0375-son.) <https://lex.uz/docs/>

4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Shartnomaviy munosabatlarni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni.14.09.2021 yildagi PF-6313-son. <https://lex.uz/docs/>

5. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2022 – 2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risidagi” Farmoni. <https://lex.uz/uz/docs/-5841063>